



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 10 ноябрь, № 233 (7191) Шанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ УСТУВОР Йўналишлари белгилаб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари барча ислоҳотлардан асосий мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш экани, сифатли тиббий хизмат бу борада муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Кейинги икки йилда Президентнинг соҳага оид 50 та Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, улар сони 16 тага етди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Туман ва шаҳар шифохоналарида 306 та янги ихтисослаштирилган бўлим, 1 миң 200 та тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди.

Умуман олганда, жорий йилда тиббиёт соҳасига Давлат бюджетидан 2017 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўп маблағ ажратилди. Йиғилишда келаси йил соҳага қарийб 30 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилгани қайд этилди.

Президентнинг яқинда қабул қилинган "Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада яна бир ижобий янгилик бўлди. Унга мувофиқ, тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 1 декабрдан 20 фоизга, 2019 йил 1 апрелдан яна 15 фоизга оширилади.

Фармон ва қарорлар чиқарилиб, соҳага шунча имкониятлар яратилди, долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида кутилган натижалар кўринмапти. Айниқса, туманлар, чека қишлоқлардаги аҳоли тиббий хизматдаги жиғиди ва туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезаётгани йўқ, деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилнинг ўтган даврида Президентнинг виртуал қабулхонасига тиббиёт соҳасига доир 45 миңдан зиёд muroжаатлар келиб тушгани бу соҳада ҳали муаммолар борлигидан далолат бераётгани қайд этилди.

Масалан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохона-

ларининг моддий-техника базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Бунинг оқибатида ҳудудлардаги беморлар катта маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлатларга боришга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда тиббиёт тизимидаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, бунинг учун ҳудудлардаги ҳолатни тўлиқ қайта ўрганиб чиқиш, бунда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардан марказий тиббиёт муассасаларига қамраб олиш кераклиги таъкидланди.

Тиббий хизмат кўрсатишда республика, вилоят, туман ва қишлоқ бўғинлари ўртасида боғлиқликни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда, аввало, маҳаллаларда профилактика ишлари ва тиббий кўриқлар сифатли ташкил этилиб, касалликларнинг олди олинди, зарур ҳолларда беморлар туман ва вилоят марказларига юборилади. Туман тиббиёт марказлари касалларни имкон қадар ўзда даволаб, оғир беморларни вилоят ва республика муассасаларига йўналтиради. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари эса ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қўмақлашади.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Оналар ва болалар ўлимига сабаб бўлаётган омиллари чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Юқумли бўлмаган касалликларни профилактика қилиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани қайд этилди. Қатор ихтисослаштирилган марказларнинг бу борадаги фаолияти танқид қилинди.

Айрим ҳудудларда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишлари ҳам қоникарли эмас. Жумладан, жорий йилнинг

ўтган даврида гепатит, ўпка сили билан касалланиш сони республика бўйича 20 фоизгача камайган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида салбий кўрсаткичлар сақланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидаги моддий-техник база ва даволаш ҳолатини ўрганиб, мавжуд камчиликларни ҳал этиш, ОИТСнинг олдини олиш, хорижий давлатларда меҳнат қилиб қайтган шахсларни мажбурий тест текширувидан ўтказишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Мамлакатимизда хусусий тиббиётнинг барча тармоғини ривожлантириш, нафақат юрдошларимиз, балки қўшни давлатлар фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Шунинг учун мутасаддиларга хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини кенгайтириш, Тошкент, Самарқанд, Андижон каби йirik шаҳарларда "тиббиёт хаё"ларини барпо этиш бўйича вазифалар топширилди.

Касалликларнинг олдини олишнинг энг камқарж ва самарали йўли соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятига амал қилишдир. Афсуски, камҳаракатчилик ва нотўғри овқатланиш оқибатида Ўзбекистон аҳолисининг ярми ортиқча вазнга эга, одамларимизнинг 46 фоизи қон таркибиде меъридан ортиқ холестерин мавжуд, 31 фоизда қон босими юқори.

Шу боис аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш орқали касалликлар профилактикасини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида тиббиёт соҳасини ўрта ва узоқ мuddатли истиқболда ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилин-

ди. Президентимиз Ўзбекистонда 2025 йилгача соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Масалан, соҳани молиялаштиришнинг амалдаги смета усули эскиргани, тиббиёт муассасалари қанча бемор даволанганига қараб эмас, қойка-ўринлар сонига қараб молиялаштириб келинаётгани қайд этилди. Бугунги замон талаблари ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, синов тартибиде мамлакатимизнинг 14 та ҳудудда биттадан тиббиёт бирлашмасини аҳоли жон бошига ва стационар шартларда даволанганлар сонига қараб молиялаштириш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларда мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилган. Бу орқали бюджет харажатларини камайитириш, тиббий хизмат сифатини оширишга эришилган.

Йиғилишда 2021 йилдан бошлаб юртимизда ҳам мажбурий тиббий суғурта тизимини бошқичма-бошқич жорий этиш, Жанубий Корея, Сингапур, Германия каби давлатлардан халқаро консултантларни жалб қилган ҳолда, тегишли қонун ва қонунности ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, айрим даволаш муассасаларини шундай шериклик асосида юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, уларга тўлиқ молиявий мустақиллик бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Нуфузли хорижий таълим муассасалари филиалларини очиб, олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўртасида интеграцияни кучайтириш масалалари бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

Ў.А.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



Қонун лойиҳаси:

ҚАНДАЙ НОРМАЛАР БИЛАН Тўлдирилади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси томонидан "Туризм тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга бағишланган очик мулоқот ўтказилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Тўғри мулоқот ўтказилди. Туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи туроператорлар ва меҳмонхона хўжалиги юристувлари қонун лойиҳасига иқтисодий қоидалар билан бир қаторда, унинг ижтимоий, ёшлар ва болалар туризми каби турларини ушбу тизимнинг жадал таррақий этишига ҳалақит бераётган ҳаётий муаммоларни ечишга қаратилган нормалар билан тўлдириш

Корея Республикаси — Осиё: Ягона иқтисодий макон ва денгизга йўл

Сеул шаҳрида "Корея — Осиё — 2018" халқаро конференцияси ўз ниҳоясига етди. Унда Корея Республикаси билан Марказий Осиё минтақаси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Соғлиқни сақлаш, логистика ва транспорт, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳаларидаги шерикликни кенгайтириш шуллар сирасидадир.

Форумда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Мазкур анжуман кун тартибидеги мавзу ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг муҳим жиҳатлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норов мухбиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Бу ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари даражасидаги ўн биринчи йиғилиш бўлди. Қайд этиш жоизки, форум доирасида ўтган ўн йилда ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини сони сезиларли равишда кўпайди. Хусусан, Корея яриморлида тинчлик ўрнатиш масаласига жорий йилда бутун Осиё қитъасида ривожланиш имкониятларидан бири сифатида алоҳида уруғ берилди.

Дунё ҳамжамияти эътироф этганидек, шу йил апрель ойида Корея давлатларининг саммити ўтказилгани ва унинг яқунлари бўйича Пханмунжон декларацияси қабул қилинган тарихий воқеага айланди. Зеро, мазкур ҳужжат томонларнинг Корея яриморлини денуклеаризация қилишни тўғрисидаги тинчлик шартномасини имзолаш ва уни амалга ошириш бўйича мақсадларга эга эканлигини ўзида ифода этган ўта зарур келишувни мустаҳкамлади. Бу Корея Республикаси Мун Чжэ Ин томонидан илгари сурилган "Янги Шимолий сиёсат"нинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббускори сифатида Корея яриморлини денуклеаризация қилиш жараёни, шунингдек, Сеул ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг мазкур вазиятни фақат тинчлик мулоқоти йўли билан тартибга солишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўлаб-қувватлайди.

Қисқа

сатрларда

Пойтахтимиздаги Инновацион ривожланиш вазирлиги қўшидаги Илғор технологиялар марказида юқори технологияли, кичик стартап компаниялар учун "Sciencethon" дастури бўйича Инновацион стартап акселератор ва инкубатор ташкил этилди. Унда ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тошкентда 2018/2019 ўқув йилида олий ҳарбий ва олий таълим муассасаларида бўлиб ўтган тест синовлари якуни бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

Фарғонада Ўзбекистон онкологларининг илмий-амалий конференцияси иш бошлади.

Унда онкологик касалликлар профилактикаси, скрининги, онкологик касалликларга чалинган беморларнинг ягона маълумотлар базасини яратишнинг (канцер-регистр) долзарб муаммолари кўриб чиқилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг қадимий муносабатларини ўзида мужассам этган "Улли Ховли" мажмуасини хорижий сайёҳларга кенг таништириш мақсадида видеоролик тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички туризмин ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, ёшлар ўртасида туризмни тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармасининг ижодкор ёшларининг "Афросиёб" тезгар поездиде Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Мақсад — экспорт ҳажмини

1 000 000 долларга етказиш

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Хар қандай муваффақият замирида мавжуд имконият ва қулай шарт-шароит ётади. Шу маънода, юртимизда тадбиркорлик ҳаракати қўлаб-қувватланаётгани туфайли ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб, ички бозор сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда, экспорт ҳажми ортмоқда. Пойтахтимиздаги "Furkan tekstil" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади.

Мазкур корхона кейинги йилларда ривожланишнинг янги босқичига чиқди. Гап шундаки, туркиялик ишбилармон билан ҳамкорликда сармоа киритилиб, 2017-2018 йиллар мобайнида модернизациялаш тадбирлари бажарилди. Натижада эски тикув машиналари янгисига алмаштирилди, хориждан матога рангли расм солувчи иккита замонавий ускуна олиб келинди.

Парламент ҳаёти

Фуқаролар ўзи тўлаётган пуллар қаерга сарфланаётганидан хабардор бўлади

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда мавжуд 19 та солиқ туридан 4 таси бекор қилинади. Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи 22,5 фоиздан 12 фоизга камайитирилиб, улар тўлаётган 8 фоизли суғурта солиғи ҳам бекор қилиниши кутилмоқда. Хар бир корхона ташкилот йили фойда ёки зарар билан яқунлашдан қатъи назар, тўланадиган 3,2 фоизли оборот солиғи олиб ташланаётгани юридик шахслар учун қўшимча имконият ва имтиёзлар яратади.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган "Бюджет сиёсати: очиклик ва шаффоқлик" мавзусида-

ги учрашувда батафсил маълумот берилди.

Унда 2018 йилги Давлат бюджети тегишли параметрларнинг ижро этилиши ва келуси йилга белгиланган режалар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

Абадий дўст, стратегик ва ишончли ҳамкор

Тили, дини бир, тарихи туташ, маданияти муштарак бўлган ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлиги узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўзаро алоқалар, айниқса, кейинги йилларда янада мустаҳкамланди. 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили нишонланаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Шу муносабат билан ўтказилаётган маданий-гуманитар ва ишбилармонлик тадбирлари халқларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ришталарни мустаҳкамлаб, алоқаларга янгича мазмун бағишлаяпти, десак, айни ҳақиқат.

Яна бир эвончли мужда, шу йил Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон

Халқ сўзи
Народное слово
Йўлланмаси билан

Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганига 20 йил тўлди. Қутлуғ сана муносабати билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга табрик мактуби йўлади.

1 — “Янги Шимолий сибсат” — замонавий шариотларда темир йул ва автомобиль қатновларини шакллантирган ҳолда, Буёқ Ипак йўлини қайта тиклашга ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўйилди. Бу, шубҳасиз, Корея яриморлининг Евросий, жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш учун янги истиқболлар очади. Шу муносабат билан ягона иқтисодий макон яратиб, замонавий корейс технологиялари ҳамда молиявий имкониятлар, улкан энергетик, минерал-ҳом ашё ва инсон ресурсларидан фойдаланган ҳолда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш катта аҳамият касб этади.

Уз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган фол минтақавий сибсат Корея Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги иштирокини кенгайтириш учун қўлай шариот яратди. Зотан, минтақа давлатлари ва Афғонистон қарийб 90 миллион аҳолига эга бўлган бозордир.

Тошкентда сентябрь ойида “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлақари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция якуни шуни кўрсатдики, минтақа мамлакатлари катор долзарб масалаларга очим топиши зарур. Логистика марказлари ва магис-

траллар бўйларига транзит ташувларига йўналтирилган зарур инфраструктураларнинг йўқлиги бунга мисолдир. Минтақа давлатлари йўл ҳўжалиги, автомобиль, ҳаво ва темир йул тармоқларига АКТ, маркетинг ва рақамли транспорт хизматларини татиқ этиш бу борада муҳим ўрин тутди.

Хусусан, транспорт-логистика

ларли кўмак бериши мумкин. Бугунги кунда Корея Республикаси Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ва сармоявий шериги ҳисобланади. Узаро йиллик маҳсулот айирбошлаш ҳажми бир миллиард доллардан ошади, жалб этилган инвестициялар ҳажми эса етти миллиард доллардир. Марказий Осиёнинг Корея Республи-

Республикасига ташрифи Стратегик шериклиги ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда иқтисодий ва инвестиция соҳаларида умумий қиймати ўн миллиард доллардан зиёдга тенг битимлар имзолангани билан ёрқин воқеага айланади.

Диёримизда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг

муҳит муҳофазаси ва технология-лик, миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш жабҳаларидаги икки томонлама алоқаларни раванқ топтириш масалаларини муҳокама қилишди.

Ўзбекистон тарафи Жанубий Кореянинг “Янги Шимолий сибсат” стратегияси, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси, Европа иттифоқининг Европа ва Осиё ўртасидаги узаро алоқаларни яхшилаш бўйича янги стратегиясини узаро боғлаш масалаларини муҳокама қилишни тақлиф этди. Бостон консалтинг гуруҳи томонидан баҳолашчи, минтақанинг географик жиҳатдан ёлқиллиги туфайли Ўзбекистон ЯИМнинг 20 фоизини йўқотяпти. Транспорт-транзит харажатлари эса экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг 70 — 80 фоизини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, божхона процедураларининг тақомилига етказилмаганлиги оқибатида ташувлар 40 фоиз вақтини товарларни ташушига сарфлаётди. Шундай экан, Марказий Осиёни Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикаси оралигида Европа, Шимолий-Шарқий ва Жануби-Шарқий ҳамда Жанубий Осиё билан боғловчи транспорт-логистика йўналишларининг яратилиши минтақа мамлакатларининг денгиз портларига чиқишини таъминлайди.

«Халқ сўзи» мухбири **Санджон МАХСУМОВ** ёзиб олди.

Корея Республикаси — Осиё: Ягона иқтисодий макон ва денгизга йўл

инфраструктуралари раванқига замонавий корейс технологиялари ва сармоясини жалб этиш ҳам вазиятни тўғрилашга ёрдам беради. Корея Республикасининг “Янги Шимолий сибсат”и ҳам сановат кооперациясини кучайтириш, қўшма иқтисодий зоналар ташкил этиш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги превентив чора-тадбирларни қабул қилиш чорасида минтақа мамлакатлари иқтисодиётининг жадал ва илғор тараққиётини таъминлашга сези-

каси билан товар айланмасида Ўзбекистон улуши деярли 50 фоизни ташкил этади.

Жорий йилдан бошлаб юрти-мизда Жанубий Корея фуқаролари учун визасиз тизим жорий этилди. Бу эса туристик алмашувни фаоллаштиришга туртки берапти. Давлатлараро иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш учун қўлай шариот Тошкент ва Сеул ўртасида узаро сийёсий ишонч ҳамда тушунишни юксак даражасида таъминлайди.

Халқаро кузатувчиларнинг таъкидлашича, Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил ноябрь ойидаги Корея

келгуси йил Ўзбекистонга амалга оширадиган жавоб ташрифини юксак даражада ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бинобарин, 29-30 ноябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти Шимолий иқтисодий сибсат қўмитаси ва Ханьянг университети билан ҳамкорликда “Ўзбекистон — Корея: келажакка назар” мавзусида семинар ташкил этилди. Унда экспертлар сановат ва кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши, энергетика, логистика ва инфраструктураларни ривожлантириш, атроф-

Жараён Учта янги сув омбори

Тошкент вилояти экин майдонларини обихаёт билан барқарор таъминлаш имконини берадими?

Мавжуд экин майдонларини сув билан барқарор таъминлаш — мураккаб вазифа. Чунки биргина Тошкент вилоятида мавсумни қўнғилдагидек ўтказиш учун 3 миллиард 200 миллион куб метрдан кўпроқ обихаёт талаб қилинади. Вилоятда сугорилмайдиган экин майдонларининг 70 — 80 фоизи Чирчиқ, қолган қисми эса Охангарон дарёсидан сув олишини, ҳар икки манба ҳам қор ва музликлар эриши натижасида тўйиниши назарда тутилса, ресурс оз ёки кўп бўлиши об-ҳавога боғлиқлиги оидинлашади. Айни шу жиҳат соҳа мутахассислари, айниқса, сувчилардан омилкорликни талаб этади.

Худудда кейинги пайтда кузатилаётган сув танқислигини юмшатиш мақсадида омборлар имкониятидан умуми фойдаланилаётгани ўз самарасини бермоқда. Чирчиқ дарёсининг манбаси ҳисобланган “Чорбоғ”, Охангарон дарёсининг бошланғич қисмидаги “Охангарон”, қўйи қисмидаги “Тошкент” сув омборлари жорий йил сугориш даврида ҳам кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган 216 та бирламчи сув истеъмолчисининг таъминоти яхшиланшига хизмат қилди.

Лекин ғалвир сувдан кўтарилаётган паллада амалга оширилаётган ишлар истеъмолчилар талабига тўла жавоб бераётганлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан вилоятда яна учта сув омбори қурилиши бошлаб юборилгани диққатга сазовор. Улардан бири сув йиғиш сизими 10 миллион куб метр бўлган “Паркентой” сув омборидир. У Паркент тумани ва унга туташ худудларга обихаёт етказиб берса, мазкур тумандаги Бошқизилсой сойида барпо этилаётган яна бир янги иншоот — “Қизилсой” сув омбори Невич, Новад ва Шампан қишлоқларининг томорқа майдонлари, шунингдек, 2800 гектар лалмикор ерни ўзлаштириш, 500 гектар боғ ва тоқор бунёд этиш, ҳамда 3525 гектар майдонга узлуқсиз сув етказиб берилишига қўл келади. Бугунги кунда сой сувини тўсувчи ва ўтказувчи иншоот қурилишининг тўпроқ ишлари ба-жарилмоқда.

Яна бир шундай иншоот, яъни “Тоштепа” сув омбори Охангарон тумани худудида Хандан каналининг охири қисмида қурилаётди. У Шодмашиқ қишлоғининг 517 гектар, Бирлик худудининг 670 гектар ва А. Навоий худудининг 450 гектар, жами 1637 гектар лалмикор майдонларини қароғайли сув билан таъминлаш имконини беради. Булар эртанги кун ишлари. Ҳозирчи, мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда.

— Ҳеч кимга сир эмас, яқунлаётган кишлоқ ҳўжалиги йили анча мураккаб келди, — дейди “Чирчиқ — Охангарон ирригация тизимлари” ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Отабеков. — Шундай бўлса-да, кишлоқ ҳўжалиги экинлари чанқатиб қўйилмади. Ўртача 1 гектар сугорилмайдиган майдонга 2520 куб метр сув етказиб берилди. Натижада

тегишли хўлаеса чиқарган микроблар шу кунларда куз-киш мавсумига мўлжалланган ишларни жадал суратлар билан амалга оширишмоқда. Нераки, улар қишда қийналиб ариқ тозаланган деҳқон ёзда роҳатланиб сув тарашини яхши билишади. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунга қадар 187,7 километр ҳўжаллараро каналлар тозаланиб, белгиланган вазифа 99 фоиз, гидротехника иншоотларини таъмирлаш режаси 97 фоиз бажарилди. Вилоятдаги СИУ ва фермер ҳўжалиқлари ҳисобидида ички сугориш тармоқларини механизмлар ёрдамида тозалаш режаси 722 километрни ташкил қилиб, ҳозирги кунда сув ҳўжалиги ташкилотлари томонидан ажратилган техникалар ёрдамида 721,1 километр узунликдаги ички сугориш тармоқлари тозалаб бўлинди.

Ҳашар йўли орқали сув ҳўжалиги ходимлари фермерлар ҳамда СИУлар билан биргаликда 4355 километр ички сугориш тармоқлари тозаланиб, мавжуд гидротехника иншоотларини таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Буларнинг барчаси вилоятдаги мавжуд экин майдонлари, хусусан, келгуси йил ҳосили учун экилган ғаллини бир маромда ва узлуқсиз сув билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Конун лойиҳаси: ҚАНДАЙ НОРМАЛАР БИЛАН ТўЛДИРИЛАДИ?

1 — Туризмга оид қўпгина қондалар қонуности ҳўжатларида экани ва бу баракат ҳолларда ушбу соҳадаги инвесторларга ҳам, туристларга ҳам қўлай шариотлар ва қўйинчиликлар ва тўғри раётгани таъкидлаб, қонун лойиҳаси тўғрисида тўғри ишлайдиган бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилди.

Соҳани бошқаришга ва тартибга солишга масъул мутахассислар, илмий жамоатчилик вакиллари эса қонун лойиҳасида туризмнинг худудий департаментининг ваколатларини белгилаш, тизимда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни тўдан тақомиллаш-

тириш, замонавий фанлар ва ўқув дастурларини жорий этиш, соҳага оид илмий тадқиқотларни кучайтириш, гидларнинг туристларга тўлиқ, шунингдек, ишончли маълумотлар беришдаги масъулиятини оширишга оид нормалар ўз аксини топиши муҳимлигини қайд этди.

Конструктив рўхда кечган тадбирда “Туризм тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини тақомиллаштиришда оид ўттизга яқин тақлифлар билдирилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашга масъул қўмита ўртага ташланган тақлифларни қўриб чиқиши ва улардан фойдаланилишига келишиб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

Фуқаролар ўзи тўлаётган пуллар қаерга сарфланаётганидан хабардор бўлади

1 — Энг муҳими, жорий йилда узок вақт даромади ўртамеъна бўлган соҳа вакиллари — ўқитувчилар, тарбиячилар, фан ва маданият ходимларининг маошлари 30 фоиздан 100 фоизгача оширилди, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Муҳамед Жумагалдиев. — Қолаверса, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож, иш қўбилиятини йўқотган ногиронлиги бор фуқароларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида арзон уй-жойлар қурилиши ва шу каби ижтимоий тадбирлар рўёбга чиқарилиши бюджет маблағларидан қўшимча 29 триллион сўм сарфлашни тақозо этди. Натижада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар моддий қўллаб-қувватланиши уларнинг турмуш шариотлари яхшиланшига олиб келмоқда. Бу йўналишдаги ишлар келгуси йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Анжуманда қатнашган моллия ва иқтисодчи мутахассисларнинг эътирофи-ча, солиқ ҳамда бюджет соҳасида олиб борилаётган мазкур ишларнинг замирида халқаро тажри-

бани пухта ўрганиш натижалари муҳим. Бугунги кунда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ягона солиқ тўловининг прогрессив ўсиш тартибидидаги тури эмас, балки ягона солиқ ставкаси амалиёти қўлланилади. Уларнинг бу борадаги ютуқлари ва юзага келган камчиликларни бартараф этиш йўллари — биз учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Бунда, айниқса, бюджет маблағларининг мақсадли сарфлалиши устидан қатъий назорат ўрнатилди, жараёнини очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилиш, давлат ва маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оқилона тақсимлашга алоҳида эътибор бериш муҳимлиги эътироф этилди. Токи ҳар бир фуқаро ўзи тўлаётган пуллар қандай ҳамда қаерга сарфланаётганини билсин. Яқин истиқболда бюджет маълумотларини онлайн тарзда тақдим қилишни тақомиллаштириш ва ойлук ахборотномаларни чоп этиш режалаштирилган.

Тадбирда шу ва шунга ўхшашан соҳага оид янгиликлар батафсил тақдим қилинди.

Муносиб КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Мақсад — экспорт ҳажминини 1 000 000 долларга етказиш

1 — Умуман олганда, ҳозиргача киритилган инвестициялар ҳажми 1,5 миллиард сўмга етди, — дейди қорхона бош директори Олим Маматов. — Айни пайтда қорхонамизда 160 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фоизи ёшлардан иборат.

Тадбиркорнинг дунё бозорига чиқиши у тақлиф этаётган маҳсулот сифати-га чамбарчас боғлиқ. Яъни қачонки, товар халқаро талабларга жавоб берагани ташқи бозорда ўз ўрнини топа олади. Биз ишимизда бунга қатъий амал қиламиз. Шу боис маҳсулотларимизнинг асосий қисмини хорижликлар сотиб олишмоқда.

Чиндан ҳам, қорхона фаолиятини қўзғатар экансиз, бу жараён жиддий назорат қилинишига амин бўласиз.

Жамоа сифатни ҳар бир босқич, яъни матодан тортиб, тайёр кийим-кечак тикилиши ва қадоқланишига асосий мезон қилиб олган. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Чунки рақобат кучайган бир шароитда бу жуда муҳим масала.

Қайд этганимиздек, қорхона буюртмачилари, асосан, чет элликлар. Тайёр кийим-кечаклар шу кунгача Россия ва Қозғистонга экспорт қилинган бўлса, яқиндан бошлаб улар сафига Исроил давлати ҳам қўшилди.

Қорхонанинг йиллик экспорт ҳажми 700 минг АҚШ долларини ташкил этади. Жамоа мазкур қисмни “1” миллион долларга етказиш ҳаракатида.

Бундан ташқари, ишчилар ҳам доимий эътибор-да. Уларнинг бориб-кели-

ши учун транспорт ажратилган. Кийим-бош ва бепул овқат билан таъминланган. Қисқаси, бу ерда ишлар учун шарт-шариотлар етарли. Буларнинг барчаси келгуси режаларни амалга оширишда пухта замин яратиши, шубҳасиз.

Дилшоҳ УЛУҒМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

АҚШ ҳарбий делегацияси билан учрашув

таъминлаш бўйича фикрлар алмашилди.

2018 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида Афғонистон масалалари бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” халқаро анжуманининг ўтказилгани, шунингдек, унинг якунида “Тошкент декларацияси” қабул қилингани Ўзбекистон терроризмининг бошқа мамлакатларда тарқалмаслиги тарафдори эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда узаро келишилган йиллик режалар асосида Ўзбекистон Қўрол Кучлари фаолиятига оид масалалар бўйича тажриба алмашиш учун қўллаб-тадбирлар ўтказилмоқда.

АҚШ делегацияси Ўзбекистон мудофаа вазири билан Қўрол Кучлар Академиясида ҳам бўлди.

Мехмонлар Академия биносида жойлашган АҚШ мудофаа соҳасига оид мавзуйида маълумот хонаси билан ҳам танишиб, курсантлар учун яратилган шариотларни юқори баҳолади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил май ойида АҚШга уюштирилган ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиб, мамлакатларимиз ўртасида янги стратегик ҳамкорлик даврини бошлаб берди. Мазкур ташриф давомида ўтказилган музокаралар натижасида томонлар мудофаа соҳасида амалий ҳамкорлик йўналишларини аниқ белгилаб олишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эртасини ўйлаган мамлакат ёшларини эътиборсиз қолдирмайди

10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни

Президентимиз томонидан 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сийсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни-нинг имзоланиши навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари асосида ёш авлоднинг баркамол ўсиб-ўлғайиши, жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шариот яратилмоқда, уларга уй-жой ажратиш, бандлигини таъминлаш, бадий диди ва маънавиятини бойитишга қаратилган тадбирлар, кўрик-танлов ҳамда фестиваллар мунтазам ўтказилаяпти.

Таълим олишимиз, иқтидоримизни намойиш этишимиз, ҳаётда ўз йўлини, ўринимизни топишимиз учун имкониятлар етарли, — дейди “Рио-де-Жанейро — 2016” Паралимпия ўйинлари чемпиони Фирдавс Мусабоев. — Фақат олға интилишимиз, юрт ишончини, халқ

хурматини қозонишимиз қолган, холос. Бундан икки йил муқаддам Рио-де-Жанейрода ўтказилган нуфузли мусобақада иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. “Қадри борининг қадди ҳаммаша баланд”, деганларидек, яқинда Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган сузиш бўйича паралимпия мусобақаларида 50 метрга брасс усулида сузиб, жаҳон рекордини янгиладим. Бу каби ютуқларга эришишимизда республикамизда ёшлар камолоти-га қаратилган давлат миқёсидаги эътиборнинг аҳамияти миқёсида.

— Болалигимда китобга меҳр қўйганим Президентимизнинг эътиборига тушади, деб сира ўйламаган эдим, — дейди Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги “17-умумтаълим мактаби ўқувчиси, “Еш китобхон” республика кўрик-танлову голиби Моҳинисо Шомуродова. — Давлатимиз раҳбари мендек оддий қизнинг китобхонлигини эътироф этибгина қолмай, автомобиль совға қилди-лар. Бу Юртбошимизнинг биз,

ёшларнинг янада билимли, ҳар қандай жабҳада дунё ёшлари билан бўйлаша оладиган, юрт келажакига муносиб хизмат қилишга қодир бўлиб улғайишимизни нақадар истаётганини кўрсатиб турибди.

Республикамиздаги вазирилик ва идоралар, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар ёшлар масалаларини юқоридан туриб ўрганиш эмас, аксинча, уларнинг ичига кириб боришга, муаммоларини ҳал этиб, гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Ёшлар қалбига қулоқ тутиш, дардини эшитиш, муаммоларини ечиш борасида амалга оширилаётган ишлар биз, ёш оила вакиллари ҳаётида яққол намойён бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси бўлим мудирини Наврўза Яхёева. — Пойтахтимизнинг Сергели туманида янгиланган лойиҳалар асосида қурилаётган уйлاردан бири бизга ҳам nasib этди. Бугун кўнглим тўқ. Ўз бошланғичида ўзимиз истагандек, эркин ишлаймиш. Келажакимиз ворислар тақдирини ўйлаб изчил амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар бардавом экан, ёшлар ўз орзуларига, умидларига, алобта, етади.

Умуман, навқирон авлодга аталган кунда бугуннинг амалий натижалари, истиқболда режалаштирилган саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритилади. Айнан, шу маънода Президентимиз 2018 йил 27 июндаги Фармони асосида қабул



қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури пухта ўйланган, узукни қўзлаган чора-тадбирларни белгилагани, муҳими, йигит-қизларнинг ҳаётида ўз йўлини, ўзини топишига ҳам маънан, ҳам жисмонан янада кўп ва кенг шарт-шариотлар яратиб бергани билан эътиборга молик ҳамда аҳамият-лидир.

Бугунги кун — келажак дебодаси. Юртимизда жисмонан ва маънан етук, тинч-осуда ҳаётимизни кўз қорачиқидек асрашга тайёр, ўзлигини, қадри-қимматини, Ватани олдидagi муқаддас бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб яшайдиган ёшларни камолга етказишга қарати-лаётган бундай эътибор ҳамда ғамхўрлик ҳар биримизда эртанги кунимиз-нинг бугунгидан-да порлоқ бўлишига ишончини янада мустаҳкамлайди.

Дилшоҳ КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ВОКЕАЛАР

Янгиликлар Тафсилотлар

Картошка етиштириш бўйича истиқболли таклиф

Россиянинг Тюмень областида жойлашган "КриММ" агрофирмаси юртимизда картошка етиштириш бўйича қўшма лойиҳани амалга оширишни режалаштирди...

Малайзия компанияси Хоразмда каустик содаси ишлаб чиқармоқчи

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари Малайзиянинг "Serba Dinamik Group Berhad" компанияси вице-президенти Палендран Палачандран билан учрашди...

С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

«Тошкент 2025: ўзгариш» лойиҳаси

Пойтахт ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай ўзгаришлар ясайди?

Тошкент шаҳар ҳокимияти биносида "Тошкент 2025: ўзгариш" лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Одамлар нега шаҳарларга талпинди? Аввало, касбий муваффақият қозониш, бизнесини ривожлантириш, қолаверса, ўзи ва фарзандлари тўқис ҳаёт кечиришини истайди...

Тақдимот

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими вази-фасини жавабвчи Жаҳонгир Ортиқўжаевнинг айтишича, лойиҳанинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини кўтариш, шаҳар иқтисодиёти рақобатдошлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли стратегияни ишлаб чиқишга йўналтирилган...

лаштириш, коммунал соҳа, ижтимоий соҳа ва инклюзив ривожланиш, шунингдек, экология баҳаларидан иборат. Қайд этилганидек, шаҳар ҳокимияти қошидаги Жамоатчилик кенгаши томонидан яқин 10 ой ичида мазкур соҳалар ва пойтахт ҳаётини чуқур ўрганган ҳолда, "Йўл харитаси" ишлаб чиқиладди...

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Аҳоли фаровонлиги, кундалик эҳтиёжи билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, уларни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этиш бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар ҳамда вакиллик органларининг устувор вазифаларидан бирига айланган...

Маҳаллий Кенгашларда

Навоий вилоятининг КониMex, Учқудук, Томди туманлари ҳамда Зафаршон шаҳрида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари ўтказилиб, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестициявий дастурлар ижроси, куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳоли ва аҳолининг кайфияти билан боғлиқ бир қатор масалалар бўйича ижро органлари мутасаддиларининг ахборотлари тингланди...

Нега имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти?

Туман марказидан олисда жойлашган "Кўкпатас", "Алтинтау", "Кўкаяз", "Боздун", "Мингбулок" ОФЙлар яшар учун нисбатан оғир ҳудудлар ҳисобланади. Айниқса, овулларда ичимлик суви масаласида туман марказидан 5 километр узоқликдаги "Йўлчилар" ОФЙда эса ичимлик суви тармоғининг 3,5 километрик қисми ташмирга муҳтож...

фийтига таъсир ўтказувчи омил. Вилоятнинг Учқудук ва Томди туманлари аҳолиси ушун Зафаршон шаҳридаги "Зафаршон газ таъминоти" участкаси хизмат кўрсатади. Корхона ўз мазмурий биноси ҳамда ҳудудда газ баллонларини синовдан ўтказувчи сервис марказига эга эмаслиги сабабли бир қатор ортиқча харажат ва ноқулайликлар келиб чиқаётгани таъкидланди. Бухоро вилояти Ғиждувон туманининг 10 минг 651 гектар ери, шу жумладан, Зафаробод шаҳарчаси ҳамда Кўкча қишлоғи Навоий вилоятининг КониMex тумани таркибига ўтказилгани бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимиде муҳим омил бўлди...

КониMex тумани Кенгашининг сессиясида туман ҳудудидаги 69 та бўш турган бино ва объектдан (20 таси Зафаробод ҳудудида) самарали фойдаланиш аҳоли юзасидан Навоий вилояти Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклаш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлигининг ахбороти тингланди. Шунингдек, сессияларда маҳалла фуқаролар йиғини биналарини қуриш, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш, ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви, электр энергия ва табиий газ таъминотидаги зулмишларга барҳам бериш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича бир қатор муаммолар муҳоқамга этилди. Уларнинг ҳар бири асосида ижро учун "йўл хариталари" ишлаб чиқиши белгиланди.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватанимизнинг бир тимсоли

Остона бўйлаб сайр қилиб, Ўзбекистонимизни топиб олдик. Ажабланманг, шундай. У "Astana park"нинг марказий кириш жойида экан. Гап шундаки, ушбу ердаги улкан соат атрофида дунё халқларининг ўзаро бирдамлиги, дўстлигининг рамзи сифатида давлатларнинг харитаси ер шарида алоҳида-алоҳида тасвирланган. Ўзбекистонимиз харитаси олд қаторда жойлаштирилганидан бир қувонсак, болакай қўлида тутиб турган шардаги давлатимиз харитаси Регистон майдони фониди, байроғимиз тасвирида битилганини кўриб, ўн чандон севирик.

Очиги, бу монумент биз учун кутилмаган совға бўлди! Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат ҳақида тўхталасак, шаҳар кўчалари кенг ва раволи-

қайин каби дарахтар ўстирилган. Аҳолининг айтишича, кескин континентал об-ҳаво шароитида бир тул нихол ўстириш осон эмас. Шаҳарда ана шундай машаққатли меҳнат эвазига яшил майдонлар яратилмоқда. Бундан 20 йил муқаддам экилган кўчлар энди қаддини ростлаб, соя ташлаб қолган. Уларга боқиб, инсон мўъжизалар яратишга қодирлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз.

Давр талаб этаятган технология

Халқаро конференция мавзуси ҳам бевосита шу долзарб масалага дахлдорлиги билан кўпчилида қизиқиш уйғотди. "Сув ҳўжалигида яшил" технологияларни татбиқ қилиш бўйича Қозоғистон тажрибасини оммалаштириш" мавзусидаги мазкур форумда Қозоғистон вакиллари

ришда бежиз Марказий Осиё минтақавий экологик маркази билан ҳамкорлик қилинаётгани йўқ. Чунки минтақа давлатлари билан бевосита ишлайдиган ушбу тузилма салоҳиятли экспертлар ҳамда мустақкам моддий-техника базасига эга. Қозоғистонда лойиҳа доирасида биргина сув ҳўжалигида 18 та технология синовдан ўтказилиб, энг мақбуллари танлаб олинди. Бунинг натижасида Қизилўрда вилоятида деҳқончиликнинг аънавий усулидан ташқари, органик усули ҳам ривожланиши баробарида, шўрланган майдонларда боғлар барпо этишининг уддасидан чиқилди. Шунингдек, Остона шаҳри ва унинг атрофида иссиқхона ҳўжалигининг янги мактабига асос солинаётган бўлса, Оқтўба сув омбори бошқаруви тизимининг автоматлаштириш орқали обихаёт бехуда йўқотилишига чек қўйилди.



Остона бугун мамлакат бренди, ўзига хос рамзига айланган. Бу ерга ўқиш, ишлаш, яшаш илҳижда келаётган аҳоли сонин йил сайин ортмоқда. Мисол учун, унга пойтахт мақоми берилгунга қадар эски шаҳар қисмида атиги 275 минг киши истиқомат қилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич бир миллион нафардан ошди. Марказий Осиё минтақавий

Ўзбекистон — Қозоғистон: Абадий дўст, стратегик ва ишончли ҳамкор

Саҳро бағридаги жавоҳир

Тошкентдан кўтарилган самолёт манзилга тобора яқинлашиб, пастлай бошлаган чоғда Остона аллақачон қоронғиликка чўмганди. 1 соату 40 дақиқа парвоз қилган йўловчилар борт командирининг эълонидан сўнг ҳавфсизлик камарларини тақиб, шаҳарнинг тунги манзарасини томоша қила бошлади.

Иллюминатордан боқар экансиз, чироқлар ёғдусидаги ажиб манзара диққатингизни тортади. Сабаби, нафақат кўчалар, балки улкан иморатлар ҳам шундай тартиб билан жойлаштирилганки, улар ўзаро уйғунлашиб, бамиқсоли геометрик шакллари ҳосил қилган...

Остона дунёдаги энг ёш пойтахт шаҳар саналади. Ушбу навиқрон кент Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан бунёд бўлган. Гап шундаки, бундан атиги 20 йил муқаддам унинг ўрнида қумликлар ястаниб ётар, кишининг изгирин, ёзининг гармосел шамоллари уларни тўзғитиб, баланд-паст барханлар ҳосил қиларди. Лекин орадан кўп ўтмай, Ишим дарёсининг сўл соҳилида тамомилла замонавий шаҳар вужудга келди.

Айтишларича, Остонани лойиҳалаштириш учун эълон қилинган халқаро танловда дунёдаги энг машҳур 40 нафардан зиёд мейморлар иштирок этган. Улар орасидан АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Япония сингари давлатларнинг юқори салоҳиятли мутахассислари жалб қилинган. Натижада жуда қисқа муддатда одамлар кўз ўнгиде янги шаҳар пайдо бўлади.



экологик маркази таклифи асосида биз, бир гуруҳ эколог, сув ҳўжалиги мутахассислари ва журналистлар "Сув ҳўжалигида яшил" технологияларни татбиқ қилиш бўйича Қозоғистон тажрибасини оммалаштириш" мавзусидаги халқаро конференцияга таширигимиз давомида Остона шаҳри билан яқиндан танишидик. Бу ерга келганлар замонавий Қозоғистоннинг "ташир қозғон"га айлиниб улгурган "Остона-Байтерек" монументини кўришга ошиқадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки янги шаҳарнинг кўз марказида қад кўтарган ушбу минора наинки ўзига хос мейморий ечим, балки қозқ халқининг кўп йиллик орау-интилишлари, келгуси режаларини ўзида ифода этгани билан аҳамиятли. Ишоотнинг тила тусли, шар шаклидаги тепа қисмига кўтарилган. Замонавий лифт 97 метр баландликка бир сулда элтиб боради. Модерн усулда жиҳозланган залнинг ойна-вад деворларидан атрофини куланимиз. Кўз ўнгимизда шаҳар бўй-басти билан қафддек намоён бўлади. Беҳитибр шундай таъриф қўлиганимиз келди: Саҳро бағридаги жавоҳир!

Саҳро бағридаги жавоҳир!

Ўзбекистон кубоги голиби тақдирланди

Ўзбек футболдаи ўзгаришлар мавсуми давом этмоқда. Буни 28 октябрь куни Фарғона шаҳрида ўтказилган "Ўзбекистон кубоги — 2018" финалида қайд этилган натижа ҳам тасдиқлади.



Ўша куни Олмалик шаҳрининг АГМК жамоаси Тошкентнинг "Пахтакор" клубини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритганди. Зеро, пойтахт жамоаси шу пайтгача мамлакатимизнинг 11 қарра чемпиони ва 11 қарра кубок соҳиби, деган мақомга эга эди. Ўз навбатида, "қончилар" хал қилувчи баҳсга қадар Қаршиннинг "Насар", Муборакнинг "Машъал" ва Тошкентнинг "Бунёдкор" каби жамоаларини мусобақадан чиқариб йорди.

Эришилган ана шу юксак натижа муносабати билан кеча тақдирлаш маросими ўтказилди. Ашуралиев ва футболчи Лутфулла Тўраев юртимизда футболни ривожлантириш учун яратиб берилган шароитларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Олмалик конметаллургия комбинати мута-

С. МАХСУМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазириликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 18 августдан 24 августгача бўлган маълумотни хабар қилади

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2018 йил 12 июлдаги 107-сон "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БХМС) "Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби"га ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057. (2018 йил 20 августдан қўчга кирди).

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» махус мухбири.

Бешигида чавандозлар улғайган юрт



2017 йилнинг 15 июнь санасида ўзбек йилқичилиги ва от спортида туб бурилиш ясалди. Сабаби ўша кун қариб чорак аср давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилган маскур тармоқ раванқи йўлида тарихий ҳужжат қабул қилинди.

Ҳўш, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинишидан бурун юртимизда йилқичилик ва от спортининг аҳоли қай даражада эди?

Бешигида чавандозлар улғайган юртининг жаҳон от спортининг классик турлари — "Тўсиқлардан от сакратиш", "От йўрттириш", узоқ ва қисқа масофали пойғалар бўйича донгдор отлари ёки чавандозлари йўқмиди?!

Қарор ва ижро

Очиғи, бу каби саволларга жавоб бериш бир қадар мушкул. Негаки, шу пайтгача соҳа жонқурларининг саъй-ҳаракатлари билан фақатгина от спортида бир-икки нафар чавандозимиз халқаро ареналарда кўриниб турарди, холос.

Тўғри, ҳимийлар кўмаги билан йилда икки-уч мартаба муҳофазат ташкиллаштирилиши, синчилик қондан ўтган халқимиз киши бўйи кўпқарини қанда қилмагани ҳақиқат. Бироқ булар фарб ёки араб мамлакатларининг соҳа ривожига қаратган эътибори билан таққосланганда денгиздан томчидек гап эди. Тармоқдаги асосий ҳаракатлар — йилқичилик селекцияси ва от спортида олиб борилаётган ишлар ўлда-жўлда бўлиб, ҳар қим ўз билганча фаолият юритарди. Дейлик, қорабайир оти ҳақида гап кетганда, ҳамма ўзиникини "тозаси" деб биларди.

Юртбошимизнинг қарори билан шуларга нуқта қўйилди. Унга кўра, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида қорабайир зотли отларни кўпайтириш, янги типларини яратишга ихтисослаштирилган отчилик мажмуалари ишга туширилиб, йилқичи олимлар ва мутахассислар иштирокида насли билар таллаб олинди. Тошкент вилоятида ахалтақа зотли ва бошқа спорт отлари етиштиришга мўлжалланган от заводларини қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Яқин келажақда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси қoшида Қорабайир зотли отларни урчиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция — генетика маркази ишга туширилиши, шунингдек, Зангиота туманида От касалликларини ташхислайдиган карантин маркази барпо этилиши кўтилмоқда. Ушбу мажмуалар иш бошласа, наслчилик тамомили янги поғонага кўтарилади. Чунки йилқичиликни ривожлантиришнинг илмий асосиди селекция дастури бўйича амалий инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади. Отларнинг зот сифатини яхшилаш, самарадорлик хусусиятини ошириш, спорт турлари бўйича янги типларни яратиш йўлга қўйилади.

Башарти, ушбу вазибалар юқори сифатда амалга оширилса, ўзбекининг ифтихори саналмиш қорабайир отлари жаҳон бозорига чиқади ва табиийки, йилқичиликдан ҳам мўмай даромад кела бошлайди.

Бу Президент қарори ижросидан қўтилаётган жиҳатлардан бири. Ҳўжрат моҳиятида яна бир мақсад муҳассамки, у ҳам бўлса, қорабайир зотли отларнинг тарихини тадқиқ этиши, қадимги селекция ишларини илмий асослаб беришидир. Бу борада ҳам тадқиқот ишлари бошлаб юборилган.

Музейдаги ноёб топилма

Ўзбек йилқичилигига доир материал тўплаш мақсадида хизмат сафари билан Қорақалпоғистоннинг турли мавзелирида бўлди. Саёҳат чоғида синчилар суҳбатини ёзиб олган, И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида археология бўлимида сақланган икки ашё эътиборимизни тортди.

Биринчиси, милодий

тана тузилиши бугунги қорабайир отларининг келбагига айнан ўхшаш. Яъни боши катта, тумшуги пастга осилиб тушган, бўйи йўғон, манглайи кенг, ўрмови катта. Шунингдек, белининг бақувватлиги, елкасининг текислиги, қўймичи ва қарнигайи баландлиги, сагриси гўшдор, тўёқлари тик ва япалоқлиги замонамиз синчилари таърифлаган энг зўр қорабайир тасвиғига мос келади.

Ҳайкал қумтошдан ясалиб, қизил ангоб билан безатилган. Туямўйин сув омборини қазиш чоғида тасодифан экскаватор қовушига илиниб чиққанлиги учунми, орқа оёғи ва қуйруғи синиб тушган. Жабдуқ устидаги синиқ ҳам ўшанда юз берган, тахминимизча.

Иккинчиси, Тешиққалъа кўрғонидан топилган VII-VIII асрларга доир саркофагга отнинг бўртма суратидир. Саркофаг сандиқ шаклида. Олд томонида юзасида учта рамка бўлиб, икки ёндаги рамкаларда қандайдир дархатнинг томилари билан акс этган сурати бор. Ҳар иккисининг учида анор тасвирланган. Уртадаги рамкада олд оёғининг бирини кўтариб турган, ҳаракатланаётган от тасвири туширилган. Менимча, ҳар икки асар Эфталллар даври усталари томонидан ясалган.

Кўна қорабайир отларининг тарихини ўрганиш асносида ушбу отларни "Савицкий отлари" деб қайд қилдик.

Самовий тулпорлар доғруғи

Қорабайир отлари ўтмишини тадқиқ қилишда бир-биридан ҳайратомуз далилларни учратдик. Биринчи ишонингиз келмасин, бошқасига сўзсиз қўйиласиз. Чунки солномалар орасидан кўна қорабайирлар ўқтам-ўқтам кишаб турган бўлади.

Бундан уч юз ўттиз йил бурун, аниқроғи, 1888 йили Италиянинг Милан шаҳрида бир чақалоқ туғилади. Аввалига замондошлари эътибор бермайдди. Боз устига олис Хитойда яшаб, вафот этган, хотиралардан тамомила ўчади. Лекин орадан икки аср ўтиб, истеъдоди уни қайта "тирилтиради". Шу тарихда XIX аср охири XX аср бошларида мусавирлик санъатида янги ном пайдо бўлади: Жезеппе Кастильоне!

Унинг асарлари нафақат Миланни, балки бутун Европани ошуфта этади. Санъат илосмандлари кўна Чин саройидаги расмлардан кўчирмалар олиб, дунёнинг энг йирик галереяларига тарқатишади...

Мусавир асарларини кузатиб, қадимги ўзбек йилқичилигига доир айрим жиҳатлар эътиборимизни тортди. Масалан,

"Тоза қонли юз аргумок" ва "Саккиз тоза қонли аргумок" асарларида тасвирланган отлар тумшугининг пастга осилиб туриши, оёқларининг бақувватлиги, бўйинининг йўғон ва танасига нисбатан калталлиги, ўрмови очиклиги, қўймичининг кенг ва қарчиғайи баландлиги билан қорабайир отларига келбат беради. Келбат беради эмас, аксарияти қорабайирлар эди!

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Урта асрда Хитойдаги йилқилар қорабайир бўлиши мумкинми? Ёки Цянлун саройига бу отлар қай тарзда бориб қолган?

— Элчи Чжан Цянь Хан императори У Дига биринчи марта (Фарғонадаги) тулпор отлар ҳақида сўзлаб берганида, император элчилар орқали 1000 цзинь (500 килограмм) олтин ва олтиндан ясалган от ҳайкали юбориб, Фарғона ҳукмодори (ванг)дан булар аэвазига зотли отлардан беришини сураган. Бироқ Фарғона ҳукмодори узоқдан етиб келолмайдди деб ўйлаб, бунга рози бўлмаган ва бебаҳо отларини бермаган, — деб ёзди УэРФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими Шерали Қўлдошев "Фарғонанинг самовий отлари" номи битигида. — Бунга эшитган У Дининг жаҳли чиқади ва милолдан аввалиги 104-йили Ли Гуанли исми саркардани ҳарбий қўшинга кўмондон этиб тайинлаб, Фарғонага ҳужум қилишга, Эршидаги отларни олиб келишга юборган... Ушундан қамал жарайини кетаётган ҳамда Хитой аскарларининг сони ва озик-овқати оз қолган ҳамда Шимолда Қангқия давлатидан (фарғоналикларга) ҳарбий ёрдам келатган эди. Шу сабабли Ли Гуанли фарғоналиклар билан сулҳ тузиб, бир неча ўнга зотли тез чопар отлар ва уч мингдан ортиқ ўрта ҳол отларни танлаб ортага қайтган. Хитойда эса Ли Гуанли галабаси катта тантана билан нишонланган. Айниқса, самовий отларнинг қўлга киритилиши муҳим галаба ҳисобланган.

Муаррих Абдураззоқ Самарқандий "Матлаи саъдайн ва мажамми баҳрайин" асарига Шохрух мирзо, Бойсунгур мирзо, Суюрғатмиш мирзо ва Мирзо Улуғбек томонидан элчилар орқали Мин сулоласи императори Чжу Дига қўллаб тоза қонли отлар тортиқ қилингани-ю, баъзида унинг бундан кўнгли тўлмаганлигини қуйидагича баён этади:

— Рабӣ ал-аввал ойининг бошларида подшоҳ (император — А. С.) элчиларни чақиртирди



Халқ сўзи Народное слово ТАШЛОВИГА

сақланиб қолган бўлса керак". Шу кун билан мезбон — Арслон ака билан Хива сари йўл олдик. Муаззам "Ичан-Қалъа"! Осмон остиди қадим Турон жавҳари!

Бу ерда нафақат отхона ёки ўзбек йилқичилигининг ўтмиши, балки шаъни баланд аждоқларимизнинг қадам товушлари ҳам сақланиб қолгандек, назаримда. Бир ҳисобдан тўғри ўйлаган эканмиз: бизни кўтиб олган киши — "Ичан-Қалъа" давлат музей-қўриқонаси катта илмий ходими Дилмурод Бобононов кўна Арк саройидаги Хоразм тождорларининг отхонаси ўрнини кўрсатди. Кейинчалик бу жой меҳмонларни жалб қилиш мақсадида қайта реконструкция қилинган экан. Шунингдек, "Нуруллабой" саройи орқасида ҳам Хива хонлари отхонаси бўлган эканки, айни пайтда бу жойлар музей таркибига қиратилиб, қадимги осориюриқлар сақланган бўлди.

— Бу ўлка азалдан йилқичи эл бўлган, — дейди Д. Бобононов. — Афсуски, мустамлакачиларнинг қистови билан халқ отидан узоқлашган. От билан боғлиқ неки бўлса, барчаси унутулиши шарт бўлган. Шу боисмикан, бугунги авлод орасида от илмида усталари йўқ, Лекин Хоразм тарихида йилқичи билан боғлиқ жуда кўп далиллар борки, шунинг ўзи хоразмликлар қадимдан отчи эл бўлганлигини исботлайди.

Дилмурод отнинг айтганича бор. Тарихий манбаларда ўтган аср бошларида Хива ҳукмдори отхонасида қорабайир, ёвмит, ахалтақа зотига мансуб 15 мингдан 45 минггача жангчи отлар сақлангани қайд этилган.

Қайтаганимизда мезбонлар "Ичан-Қалъа" давлат музей-қўриқонасидаги ўзбекининг биринчи фотографик-кинооператори Худойберган Девонов бўлмасига қайта олиб борди. У киши олган сурат ва видеотасвирларини томоша қилаётиб, тилла топандек бўлдим. Расмлар орасида 110 йил бурун объектга муҳрланган қорабайир, ахалтақа, ёвмит отлари бор эди.

Рости, бу суратлар чинакам хазина эди. Энди хоразмликларнинг унутулаётган йилқичилиги тарихини тиклаш имконини бор эди. Ўзбек йилқичилиги тарихини ўрганиш асносида ушбу расмларни "Худойберган Девонов отлари" деб қайд қилдик.

Худойберган Девонов отлари

Ўзбек йилқичилиги тарихига доир маълумот йиғиш учун Хоразмга қилган сафаримиз кўнгидагидек бўлмади. Йилқичилар кам, борлари ҳам пухта синчи эмасди. Меҳмонхона деразасидан кўна Урганч манзараларини кузатиб туриб шундай ўй келди ҳавлимга: "Бу ер хонлар юрти, отчи билдадиган одам бўлмаса ҳам Хива ҳукмдорларининг отхонаси ёки уларнинг ўрни

Анвар СУЮНОВ, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси мутахассиси.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Ёнадиган тошдан гапирадиган роботгача...

"Яшнобод" инновация технопарки турли йўналишдаги илмий тадқиқотлар, тажриба ва ишлаб чиқариш синовлари ўтказиш, инновацион маҳсулотлар намуналарини ўзлаштиришга ихтисослаштирилган марказдир.

Инновация

Ҳозирда бу ерда қиммат технологиялари, биотехнология, фармацевтика, тиббиёт биотехнологияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, манбашунослик, металлургия қайта ишлаш технологиялари, зилзилабардошлилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, энергия тежаш, қайта тикланувчи ва мукобил энергия манбалари, электрон ўлчов қурилмалари, робототехника, машинасозлик, электротехника каби соҳалар бўйича ўндан ортиқ резидентлар фаолият кўрсатмоқда.

Robot Solutions", маҳаллий патентланган имплантлар устида ишловчи "Turon Silk Phant", композицион полимер елим ишлаб чиқарувчи "Interkompozit", ёруғлик таратувчи тошлар тайёрловчи "City Light", сим-карталар ишлаб чиқарувчи "Vades group", 3D принтерларга ихтисослаштирилган "Greencode", микробиологик ўлчовчи мослаштирилган "Baykal-KMU", ёруғлик соналандиган, кўчаларга ўрнатиладиган чироқлар ишлаб чиқарувчи "Comfort Engineering", иссиқлик ва товушларни изоляция қилувчи қуруқ аралашмалар

тайёрловчи "Penodekor Service" корхоналари бугун кўпчиликка яхши таниш. Дарвоқе, маскур резидентлар яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "InnoWeek — 2018" инновациялар ҳафталигида жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатлари вакиллари ўз маҳсулотларини намойиш этди. Табиийки, иштирокчилар ушбу инновацион товарларга юқори баҳо беришди. Қолаверса, ҳамкорликда ишлашга қизиқиш билдиришди.

Айни шу технопаркда яратилган "Adbot" роботи одамларга йўл кўрсатиши, саволларга жавоб бериши, бир марта гапланган кишини эслаб қолиши, реклама материалларини намойиш этиш функцияларига эга. Уни одамлар кўп тулланадиган майдонлар, супермаркетлар, умумий овқатланиш жойлари, банкларга қўйиш

мумкин. Ушбу "ақлли" қурилма керакли маълумотлар беришдан ташқари, инсонларнинг қайғиғишга ижобий таъсир кўрсатиши билан эътиборга лойиқдир. Ҳозирча юртимизда ягона бўлган ҳамда туркум равишида ишлаб чиқарилаётган 3D принтерлар сифати ва харидорлиги билан икки бозоримизга кириб келди. Ҳатто кишини давлатларда ҳам бунга талаб ўсиб бормоқда. Уни тайёрлашда 70 фоз маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. Битта принтернинг нархи тахминан уч миллион сўм. Ундан таълим муассасалари кўргазмалари қурилган яратилган фойдаланишлари мумкин.

"City Light" ёруғлик тарқатувчи тошлар ҳам кўпчиликнинг диққатини тортгани табиий. Ҳақиқатан ҳам, гаройиб тошлар кундузи брусчаткага (кўчага

ётқизиладиган чорқирра тошлар) териб қўйилади. Улар кун давомида ёруғликдан қувват олади. Кечаси эса олинган ёруғлигидан нур таратади. Мўъжизанинг ўзгинаси!

"Яшнобод" технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида, ёр солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг мубдий-техника базасини ривожлан-

Янгилик Виза учун тўлов шарт эмас

Таиланд Вазирилар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон, шунингдек, яна 20 та мамлакат туристлари учун виза тўловлари бекор қилинди. Бу ҳақда "Bangkok post" газетаси хабар берди. Ушбу қарор 2019 йилининг 1 январидан 31 декабрига қадар амал қилади.

Таиландга 15 кунлик муддатга борадиган ўзбекистонлик сайёҳлар 2000 бат (60 АҚШ доллари) миқдориди йиғимдан озод этилган. Мазкур рўйхатдан Андорра, Бутан, Болгария, Хитой, Кипр, Эфиопия, Фижи, Ҳиндистон, Қозо-

гистон, Латвия, Литва, Мальдив ороллари, Мальта, Мавритания, Папуа — Янги Гвинея, Руминия, Сан-Марино, Саудия Арабистони, Тайвань ва Украина давлатлари ҳам жой олган.

М. САИДЖОНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Жасур Сайдалиевга отаси Саидяло Саиддалиевич САЙДАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган қўғамалар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг отқаб берилиши учун обунали расмийлаштиришга таъминот жавобгар. Газета тахрират компьютер марказида тартибда чоп этилади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатан чоп этилишига "Шарқ" вапирит-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-ў. Набатчи муҳаррир — Ф. Абдулов. Набатчи — Р. Шеркулов. Мусалхадх — С. Исломов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ҲА яқуни — 23.55 Топширилди — 01.55 1 3 4 5 6